
Қўғолига маиший газ баллонлари етказилди

Бағдод туманининг "Қўғоли" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи истеъмолчилар суюлтирилган газ баллонлари ўз вақтида етиб келмаётгани тўғрисида мурожаат йўллаган эдилар. "Худудгаз Фарғона" газ таъминоти филиалининг "Бағдодтумангаз" бўлими раҳбари Сардорхон Собировнинг маълум қилишича, бугун айна ҳудуд аҳолисига 1 минг 980 кг (99 дона) суюлтирилган газ етказиб берилди.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати жамоатчилик назорати ўрнатилишида фаоллик кўрсатаётган фуқароларга миннатдорлик изҳор қилади.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-05-10 16:35:18